Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Дон халк-ризки» акциядорлик жамияти

Мен, Кашкадарё вилояти Карши шахри Шибаева кучаси 1-уй 15-хонадонда (тел. (99891) 2228261, (0375) 53 24 254. mail: Zamin_oil_audit@mail.ru) жойлашган Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Рахмонов Бахрон Абруевич Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 5-феврал куни жамият «Низом»и руйхатга олиниб, берилган № 64-сонли гувохномага ва Узбекистон Молия Вазирлиги томонидан жамиятга 2009 йил 24-июлдаги берилган «Барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви» ни амалга ошириш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи 00387-сонли лицензияга ва «Узагросугурта» АЖ Кашкадарё вилоят филиали Карши шахар булинмаси томонидан 5-январь 2018 йилда берилган 0136508–сонли «Аудиторлик жавобгарлигини сугурта килиш» Полисига эга, хисоб раками 20208000904162711001 «Узсаноаткурилишбанк» Карши шахар минтакавий булими, СТИР 203869896 МЧЖ «ZAMINOIL-AUDIT» Аудиторлик ташкилоти билан «Дон халк-ризки» акциядорлик жамияти уртасида 22.12.2017 йилда тузилган № 29 -сонли шартномага асосан «ZAMINOIL-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Рахмонов Бахрон Абруевич томонидан Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22-декабрь куни берилган 05542-сонли аудитор малака сертификатига мувофик хўжалик юритувчи субъект «Дон халк-ризки» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31-декабрь холатидаги хисоботлари 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот», 4-шакл «Пул окимлари» тугрисидаги хисобот, 5-шакл «Хусусий капитал» тугрисидаги молиявий хисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Дон халк-ризки» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Дон халк-ризки» акциядорлик жамиятнинг 2017 йил 31- декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори **Зулфикоров Х. Н.**

Аудитор **Рахмонов Б. А**

20-март 2018 йил